



АРХИТЕКТУРА (ТУРЛАРИ
БЎЙИЧА), ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ
АРХИТЕКТУРА-ЛОЙИҲАВИЙ
ТАШКИЛ ЭТИШ

Тошкент архитектура-қурилиш
институти ҳузуридаги тармоқ
маркази

**ШАҲАРСОЗЛИК ВА ТУМАННИ
РЕЖАЛАШТИРИШ**

ТОШКЕНТ-2020

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТАҚИ, а.ф.н., доц. Усманов М.С.

Тақризчи: ТАҚИ, доц. Талипов М. А.

Ўқув -услугий мажмуа ТАҚИ Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги 2-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III.НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	15
IV.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.....	44
V. КЕЙСЛАР.....	52
VI. ГЛОССАРИЙ.....	54
VII.АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.....	63

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ишчи дастур олий ва ўрта махсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

“Шахарсозлик ва туман режалаштириш” модулидан ишчи дастур “Архитектура” ва “ҚҲАЛТЭ” таълим йўналишлари соҳасидаги Олий таълим муассасаларида педагогик фаолиятини олиб бораётган профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари баён этилган. Дарс машғулотлари янги технологияларни қўллаш қонун-қоидалари талаблари асосида ишлаб чиқилган.

Ишчи дастурда келтирилган таълим технологияларининг ҳар бири ўзида ўқув машғулотини ўтказиш шарт-шароити тўғрисида ахборот материалларини, педагогик мақсад, вазифа ва кўзланган натижаларни, ўқув машғулотининг режаси, ўқитишнинг усул ва воситаларини мужассамлаштирган. Шунингдек, бу ўқув машғулотларининг технологик картасини, яъни профессор-ўқитувчи мазкур ўқув машғулотида эришадиган мақсади бўйича ҳамкорликдаги фаолиятнинг босқичма-босқич таърифланишини ҳам ўз ичига олади.

Ишчи дастурнинг концептуал асослари қисмида дастлаб “Шахарсозлик ва туман режалаштириш” модулининг долзарблиги ва аҳамияти, мазкур модулни таркибий тузилиши, ўқитишнинг усул ва воситаларини танлашда таянилган концептуал фикрлар, ахборотлар берилиб, сўнгра лойиҳалаштирилган ўқитиш технологиялари тақдим қилинган.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни “Шахарсозлик ва туман режалаштириш” модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва махсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“ Шаҳарсозлик ва туман режалаштириш ” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси

тингловчиларини шаҳарсозлик соҳасидаги инновацияларга доир билимларини такомиллаштириш, инновацион технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш бўйича кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“ Шаҳарсозлик ва туман режалаштириш ” **модулининг вазифалари:**

- шаҳарсозлик соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидаги, қурилишни ташкилий технологик тайёрлаш тизимидаги, шаҳарлари реконструкция қилиш ва ободонлаштириш соҳасидаги инновациялар ва долзарб муаммолар мазмунини ўрганишга йўналтириш;

- тингловчиларда шаҳарсозлик соҳасидаги инновацияларнинг илғор технологияларига доир олган янги билимларини ўз фанларини ўқитишда ўринли ишлата олиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

МОДУЛ БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ БИЛИМИ, КЎНИКМАСИ, МАЛАКАСИ ВА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

“ Шаҳарсозлик ва туман режалаштириш ” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- шаҳарсозлик соҳасидаги сўнгги ютуқлар, меъёрлар тизими;
- шаҳарсозлик ва ландшафт соҳасидаги фанларни ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар;
- шаҳарсозлик соҳасидаги инновацион ғоялар;
- шаҳарсозлик соҳасидаги долзарб масалалар;
- шаҳарсозликда ҳозирги замон муаммоларини *ўрганиб чиқиши* керак.

Тингловчи:

- шаҳарсозлик лойиҳа ғоясини асослаш, унинг моҳиятига кўра лойиҳалаш турларини ажрата олиш, меъёр ва директив органларининг ҳамда халқаро талабларга жавоб берадиган ҳужжатлар тузиш;
- шаҳарларни ривожлантириш ва ободонлаштириш лойиҳа тизимидаги янгиликларни урганиш;
- Ўзбекистон Республикасининг архитектура ва қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидаги ўзгаришларни амалиётга татбиқ эта олиш;
- шаҳарсозлик соҳасида дунё бўйича эришилаётган ютуқлардан хабардор бўлиш;
- шаҳарсозлик соҳасида мутахассиларни замонавий талаб даражасида ўқитиш мезонларини ишлаб чиқиш;
- шаҳарсозлик йўналишида ҳозирги кундаги муаммоларни ҳал этиш борасида *кўникмаларга* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- лойиҳа ғоясини асослаш графаналитик моделидан фойдалана олиши, шаҳарсозлик назарияси тарихи ва замонавий тенденцияларини, халқаро лойиҳа тажрибаларини ўрганиб чиққан ҳолда амалиётда фойдаланиши;
- кам энергия сарф қилувчи, табиатга зарар келтирмайдиган эко шаҳарлар лойиҳалаш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

Тингловчи: ўз фанларини ўқитишда шаҳарсозлик соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидаги, лойиҳалашни ташкилий технологик тайёрлаш тизимидаги, эко шаҳарларни лойиҳалаш соҳасидаги янгиликларни ўринли ишлата олиш *компетенцияларига эга бўлиши лозим.*

МОДУЛНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

“Шаҳарсозлик ва туман режалаштириш” модулини ўқитиш жараёнида қуйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;
- виртуал амалий машғулотлар жараёнида лойиҳа ва кейс технологияларини қўллаш.

МОДУЛНИНГ ЎҚУВ РЕЖАДАГИ БОШҚА МОДУЛЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ ВА УЗВИЙЛИГИ

“ Шахарсозлик ва туман режалаштириш ” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Янги архитектура: назария ва амалиёт”, “Шахарсозлик ва туманни режалаштириш” ва бошқа блок фанлари билан узвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий, амалий асосларини очиб беришга хизмат қилади.

МОДУЛНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЎРНИ

Фан олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ошириш, уларнинг қурилиш соҳасидаги меъёрий хужжатлар тизимидаги, қурилишни ташкилий технологик тайёрлаш тизимидаги, энергия тежамкор биноларни лойиҳалаш соҳасидаги инновациялар бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси			Кучма машғулот
			Жами	Жумладан		
				Назарий	Амалий	
1	Шахарсозлик назарияси. Шахарсозлик билимлар тузилмаси	2	2	2		
2	Жойлаштириш тузилмаси (тури ва шакллари)	2	2	2		
3	Макон- ижтимоий муаммо сифатида	2	2	2		
4	Аҳоли яшаш жойини бош режаси. Лойиҳалаш ва амалга ошириш	4	4	4		
5	Бош режаларни ишлаб чиқишда замонавий ёндашувлар	4	4		4	

6	Келажак шаҳри – тизимли таҳлилнинг зарур шартлари	4	4		4	
7	Лойиҳа институтига ташири	2	2			2
Жами		20	20	10	8	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Шаҳарсозлик назарияси. Шаҳарсозлик билимлар тузилмаси.

Архитектура-энг қадимий санъат туридир. Шаҳарсозлик кенг мазмунга эга тушунча. Аҳоли яшаш жойи. Ижтимоий-иқтисодий масалар. Санитария-гигиеник масалалар. Шаҳарлар классификациялари. Курорт, илмий марказ, темир йўл тугунлари.

2-Мавзу: Жойлаштириш тузилмаси (тури ва шакллари)

Аҳоли жойлашиши. Аҳоли жойлашишининг шакли. Аҳоли яшаш жойларининг гуруҳли тизими. Субрегионал ва регионал аҳоли жойлашуви тизимлари. Аҳоли жойлашишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Гидрогеологик шарт-шароитлар. Минерал хом ашё ресурслар. Иқлимий шарт-шароитлар.

3-Мавзу: Макон – ижтимоий муаммо сифатида.

Туман режалаштириш тузилмалари ва лойиҳалари. Саноат туманларини режалаштиришнинг асосий масалалари. Қишлоқ хўжалиги туманлари. Ўзбекистонда лойиҳалаш босқичлари. Ўзбекистон туманни режалаштириш комплекс тузилмаси. Тошкент агломерацияси туманни режалаштириш комплекс тузилмаси.

4-Мавзу: Аҳоли яшаш жойини бош режаси. Лойиҳалаш ва амалга ошириш.

Янги шаҳар турар-жой ҳудудининг ўзига хос турлари. Турар-жой туманлари, саноат ва дам олиш (рекреацион) туманлари. Аҳоли яшайдиган ҳудудларда ишлаб чиқариш чиқиндиларини чиқармайдиган ва катта юк айланишига эга бўлмаган саноат корхоналари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари ва маъмурий-хўжалик муассасалари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот:: Бош режаларни ишлаб чиқишда замонавий ёндашувлар

Бош режани режалаштириш. Турар-жой бинолари жамоат ва саноат биноларидаги элементлари. Турар-жой туманларини режалаштириш ва қуришнинг меъморий бадиий вазифаларини ечиш. Ҳозирги замон меъморчилиги учун урбанистик манзараларнинг босқичма-босқичи.

2-Амалий машғулот: Келажак шаҳри – тизимли таҳлилнинг зарур шартлари.

Келажак шаҳарлари. Масдар шаҳри (Masdar City) лойиҳаси. Lilyradни лойиҳаси.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ

Кўчма машғулот: Лойиҳа институтига ташриф.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг

Кейс. Янги шаҳарсозлик назариясида ва амалиётида тарихий шаҳарларни сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш доимо долзарб масалалардан бири бўлган. Ўзбекистон ва чет эл мамлакатлари тажрибаси буни исботлайди. Замонавий шаҳарларнинг бир қисми ҳисобланган тарихий шаҳарлар марказлари бугунги кунда машиналар тирбандлиги муаммосига дуч келмоқда. Натижада ҳудудларда кенг йўллар ўтказилиб, анъанавий архитектурага эга бўлган қисмларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳудудларда замонавий бино ва комплексларнинг (Tashkent City) қад кўтариши тарихий муҳит йўқолишига олиб келмоқда. Бу каби муаммоларни қандай ечиш мумкинлиги хусусида таклифлар беринг?

- Кейсдаги муаммони самарали бартараф этиш йўлларини белгиланг (кичик гуруҳларда);
- Таклиф этилаётган муаммони ечиш йўлларини асослаб беринг (индивидуал).

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

“Янги архитектура: назария ва амалиёт”

SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг

S	Назарияни билишлик	Архитектура тарихи ва назарияси хусусида, унинг тараққиёти тўғрисида маълумотга эга
W	Назария ва амалиётни боғлай олмаслик	Ўзидаги ушбу мавжуд маълумотларни амалиётда қўллашни билмаслик
O	Меъёрий ҳужжатларни ўрганиш асосида ва хориж тажрибасидан фойдаланиб тажриба тўплаш	Амалиётда мавжуд қурилиш меъёрлари ва қоидалари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ўрганиш имкониятининг мавжудлиги
T	Реал архитектура лойиҳалари устида иш олиб бормаганлик	Реал қуриладиган архитектура объектлари лойиҳа-смета ҳужжатларини бажармаганлик

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида билимларни мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил қилишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- тингловчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили тингловчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Фикр: Тошкент шаҳрида ички халқа йўли (Нурафшон кўчаси) ўтказилиши ва унинг атрофида кўп қаватли бинолар қурилиши амалга оширилмоқда. Ушбу тадбирлар қандай муаммоларни келтириб чиқаради ва қандай муаммоларнинг олдини олишга ёрдам беради?

Топшириқ: Мазкур тадбирларга бўлган муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир тингловчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий

муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Лойиха-смета ҳужжатлари	Тингловчи 1-устундаги тушунча юзасидан ўзининг фикр-мулоҳазаларини ёзади	
Жамоат бинолари	Тингловчи 1-устундаги тушунча юзасидан ўзининг фикр-мулоҳазаларини ёзади	
Ишчи лойиха	Тингловчи 1-устундаги тушунча юзасидан ўзининг фикр-мулоҳазаларини ёзади	
Қурилиш меъёрлари ва қоидалари	Тингловчи 1-устундаги тушунча юзасидан ўзининг фикр-мулоҳазаларини ёзади	

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Мавзу: Шаҳарсозлик назарияси. Шаҳарсозлик билимлар тузилмаси.

Режа:

- 1.1.** Архитектура-энг қадимий санъат тури.
- 1.2.** Ижтимоий-иқтисодий масалар. Санитария-гигиеник масалалар.
- 1.3.** Шаҳарлар классификациялари.

1.1. Архитектура-энг қадимий санъат тури.

Архитектура - энг қадимий санъат туридир. Одам ўзи учун биринчи турар-жой қургандан бошлаб архитекторлик касби шакллана бошлаган. Одамлар алоҳида турар-жойлардан аста-секин яшаш гуруҳлари, сўнгра шаҳарлар қурилишига ўта бошлаганлар.

Шаҳарсозлик кенг мазмунга эга тушунча. У ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш билан боғлиқ бўлган аҳоли яшаш жойларини ташкил қилиш муаммолари, ҳамда аҳоли турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган турар-жойларни яратиш масалаларини ҳам ўз ичига олади.

Аҳоли яшаш жойи - доимий аҳолисининг тўпланиши моддий фондлар (бинолар, иншоотлар, йўллар, муҳандислик тармоқлари ва бошқалар) билан мустаҳкамланган ҳудуднинг бир қисми.

режалаштириш элементлари ҳисобланади.

Шаҳар - бу бир-бирлари билан боғлиқ бўлган кўп турли корхона ва заводлар мажмуасидан иборат. Ҳар куни шаҳар минглаб тонна хомашё ва озиқ-овқатлар истеъмол қилади, минглаб тонна саноат ва бошқа чиқиндиларни чиқаради.

Ҳар бир архитектура иншооти - агарда у ҳақиқий архитектура асари бўлса, бадиий асарлар қаҳрамонларига ўхшаш ўзининг қайтарилмас индивидуаллигига, ўзига хос кўринишига эга бўлади. "Шаҳарни эса бадиий асарнинг - романнинг ўзига ўхшатиш мумкин, унда ўнлаб, юзлаб ҳатто минглаб архитектуравий «қаҳрамон»лар ўзаро мураккаб алоқада бўлади" (А.Э.Гутнов). Бунга ишонч ҳосил бўлиши учун яхшиси ўз шаҳринг бўйлаб пиёда марказдан то шаҳар четигача айланиб чиқишинг керак. Биз кенг майдонлар ўзларининг кўзга кўринган иморатлари, безанган хиёбонлари билан кенг бўлмаган кўчаларга алмашилишини кўрамиз. Уйлар бир-бирига яқин зич жойлашган. Сўнгра иморатлар камая бошлайди, магазинлар кўзга ташланади, иморатлар орасида бўш жойлар учрайди, саноат ташкилотларининг деворлари учрай бошлайди. Бошқа томондан тўғри йўллар, хиёбонлар, улар бўйлаб жойлаштирилган кўп қаватли уйлар кўзга ташланади. Улар орасидан бошқа шунга ўхшаш, уйлар кўринади, гўё бунинг поёни йўқдай. Лекин бирдан улар тугайди ва боғлар далаларга бориб бевосита тақалади. Шундай ёки шунга ўхшаш кўринишни ўзининг қадимий тарихига эга бўлган ҳар бир шаҳар аҳолиси кўриши мумкин.

Кўпинча архитектура ва шаҳарсозликни бир-биридан ажратишга ҳаракат қилинади. Ҳозирги кунда ҳам архитекторлар бевосита бино ва иншоотларни ҳажмий лойиҳаловчиларга ҳамда аҳоли яшаш жойлари режаларини яратувчиларга (шаҳарсозлар) бўлинади. Бевосита бино ва иншоотларни лойиҳаловчи архитекторлар баъзан шаҳарлар ҳақида етарли тушунчаларга эга бўлмайдилар ва аксинча, шаҳарсозлар эса ўз навбатида бино ва иншоотлар ҳақида керакли тасаввурга эга бўлмайдилар. Лекин уларнинг иккаласи ҳам архитекторлардир. Аммо шаҳарсозликнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти тобора ортиб бораётган ҳозирги кунда бино ва иншоотлар билан шуғулланувчи архитектор бир вақтнинг ўзида шаҳарсоз ҳам бўлмаслиги мумкин эмас. Архитектура ўз ичига шаҳарсозликни қамраб олади. Уларга шартли равишда алоҳида қаралади. Амалиётдаги кўп хатолар

архитекторларнинг шаҳарсозлик талаблари ва тушунчаларидан ажралган ҳолда алоҳида бинолар ҳақида фикр қилишлари туфайли юз беради. Мураккаб ижодий жараёнда ўз ролини англаб етмаган архитектор ожизлигича қолади.

1.2. Ижтимоий-иқтисодий масалар. Санитария-гигиеник масалалар.

Дастлабки шаҳарлар ҳунарнинг инсон фаолиятининг алоҳида тармоғи сифатида шакллана бошлаган даврда, жамиятда меҳнат тақсимоли вужудга келиши натижасида шаклланди. Шаҳарлар ҳарбий истеҳкомлар(қалъа шаҳарлар) ва савдо манзилгоҳлари сифатида шакллана бошлади.

Шаҳарлар қурилиши принциплари ҳақида дастлабки ёзма ва археологик маълумотлар шаҳар маданиятининг қадимги маркази ҳисобланадиган Қадимги Мессопотамияга тегишли.

Шаҳарсозлик антик даврга келиб гуллаб-яшнади. Грек шаҳарларида *гипподам системаси* деб номланувчи аниқ тўғри бурчакли принципга асосланган кўчалар лойиҳаси кенг тарқалди. Қачонлардир Рим империяси таркибида бўлган шаҳарларда бу система кейинчалик ҳам ривожланди. Бу система алоқаларнинг қулайлашуви ва иссиқ иқлим шароитида ҳудудни яхши шамоллатишга имкон беради.

Ҳозирги техника инқилоби асрида тескари масала, яъни табиатни сақлаш, қайта тиклаш ва соғломлаштириш инсон учун ҳаётий заруриятдир. Шаҳар ва табиат, инсон ва табиат бу архитектор учун бир маънодаги тушунчалардир. Улар архитектордан ўз фаолиятига фалсафий ёндошишни талаб этади, чунки архитектор инсон ва табиат ўртасидаги бирликни ўрнатишдаги етакчи шахсдир. Ўзбекистонда шаҳарларни лойиҳалаш турар-жой бинолари ва саноат корхоналарини санитария-гигиена оралиқларини таъминлаган, қулай транспорт алоқаларини ташкил қилган ҳолда ўзаро энг мақсадга мувофиқ жойлаштириш тамойилига асосланади. Бунда шаҳар ва

шаҳар атрофида боғлар ташкил қилиш, ўрмонларни кенгайтириш, сув ҳавзаларини ташкил қилиш ва ҳоказолар орқали табиатни одамга яқинлаштириш кўзда тутилади.

Ижтимоий-иқтисодий масалалар шаҳар ва қишлоқ ривожланишининг келажагини, табиий ва ҳудудий ресурслардан иқтисодий самарали фойдаланишни, аҳолининг ўсишини, аҳолига оптимал маданий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил қилишни ҳисобга олган ҳолда аҳоли жойлашуви тизимини танлашда ҳал қилинади.

Санитария-гигиеник масалалар аҳоли ҳаёти учун соғлом шароит яратиш, саноат ва аҳоли яшаш туманлари орасида санитария-ҳимоя қисмини белгилаш, кўкаламзорлаштириш, тупроқнинг, ҳавонинг ва сувнинг (сув ҳавзаларининг) ифлосланишига ва шовқинга қарши курашни назарда тутати. Иссиқ иқлимли туманларда ташқи муҳитнинг оптимал микроиқлимини яратиш, кўёшдан сақловчи қурилмаларни ўрнатиш, биноларни зарурий йўналишда жойлаштириш, инсоляция, ҳудудларни қуриш ёки ободонлаштириш ҳамда фойдали шамол йўналишидан фойдаланиш масалалари ҳал этилади.

Техникавий қурилиш масалалари аҳоли яшаш жойлари қурилиши учун танланган ҳудудларнинг муҳандисона-геологик шароитларини ўрганиш, қурилиш техникасининг даражаси ва замонавий воситаларини аниқлаш, транспорт ва пиёдалар алоқаларининг рационал тизимини ҳал этиш, ҳудудларни муҳандисона тайёрлаш ва муҳандисона ободонлаштириш (ичимлик суви етказиш, оқава сувлар ўтказгич, иссиқ сув, совуқ сув, газ ва электр таъминоти ва бошқалар) ва ҳоказоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Архитектуравий-бадиий масалалар шаҳарнинг умумий архитектура-режавий тузилишини, кўча ва шох кўчалар тармоқларини аниқлаш, шаҳар алоҳида қисмларининг функционал тузилишини ҳал қилиш, шу жумладан, марказ композициясини ечиш билан боғлиқдир.

1.3. Шаҳарлар классификациялари.

Асосий функционал ҳудудларни шаҳар ҳудудида фазовий тақсимлаш анча мураккаб масаладир. Шаҳарнинг айрим ҳудуди битта функцияни бажариб, у монофункционал қисмга айланиши мумкин. Айрим ҳудудларида бир нечта асосий функция қўшилиб кетиб, улар полифункционал ҳудудни ташкил этади.

Илмий йўналишдаги шаҳарларда унинг асосий ҳудудлари қаторига илмий тадқиқод институтлари ва конструкторлик бюрolari ҳудуди қўшилади. Курорт шаҳарларда асосий шаҳарни ташкил этувчи ҳудудлар - оммавий дам олиш жойлари, кўкаламзорларнинг йирик массивлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган деҳқончилик ерлари ва бошқалар бўлиши мумкин.

Кўп функцияли шаҳарлар - маъмурий-хўжалик, маданий ва иқтисодий функцияларни ўзида мувофиқлаштирувчи, ҳамда ривожланган саноат ва транспортга эга. Булар - пойтахтлар, вилоят марказлари ва бошқа йирик шаҳарлар (уларда юқоридаги санаб ўтилган функцияларнинг ҳар бири) шаҳарсозлик аҳамиятига эга. Бу турдаги шаҳарлар муҳим туман ташкил этувчи марказлардан бўлиб, кенг ва хилма-хил алоқаларга, мураккаб ҳудуд тузилишига эгадирлар.

Туманлараро аҳамиятли саноат ва транспорт функциялари устун бўлган шаҳарлар. Бу турдаги шаҳарларни саноат, транспорт ва саноат-транспорт шаҳарларга ажратиш мумкин.

Бошқа функциялар устун бўлган шаҳарлар - асосан маҳаллий марказлар вазифасини бажарувчи кичик шаҳар жойлари.

Курорт, илмий марказ, темир йўл тугунлари вазифасини бажарувчи шаҳарлар.

Шаҳарлар аҳолисининг сони ҳам унинг типологик белгиларидан ҳисобланади. Шаҳарларни аҳолисининг сонига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш қабул қилинган:

- энг йирик шаҳарлар - 500-1000 минггача ва ундан юқори;
- йирик шаҳарлар - 250-500 минггача;
- катта шаҳарлар -100-250 минггача;
- ўрта шаҳарлар - 50-100 минггача;
- кичик шаҳарлар - 50 минггача.

Шаҳарлар қанча катта ва уларнинг аҳолиси қанча кўп бўлса, улар эгаллаган ҳудуд шунча катта бўлади, тархий таркиби шунча мураккаб бўлади, тархнинг характери ўзгаради ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Д.У. Исамухамедова, Л.А. Адилова. «Шахарсозлик ассослари ва ландшафт архитектураси». I, II қисм. Тошкент, 2009 г, 2012 г. Дарслик.
2. Д.У. Исамухамедова, А.Т. Исмоилов, А.Т. Хотамов. «Инженерлик оводонлаштириш ва транспорт» Дарслик. Т. «Алоқачи». 2009 г.
3. Т.Ф. Кадырова «Пути архитектурного возрождения Узбекистана. Традиции и современность»
4. «Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений»
5. Г. М. Лаппо «География городов» (1997)
6. Вавакин Л.В., Белоусов В.Н. «Градостроительство в век информатизации»
7. Иконников А.В. «Пространство и форма в архитектуре и градостроительстве» 2006
8. Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства
9. Узбекистана. Ташкент 1988.
10. А. Гутнов, В. Глазычев. Мир архитектуры (Лицо города). М.
11. «Молодая гвардия» 1990.
12. Авдоткин Л.Н. и др. «Градостроительное проектирование» Учебник
13. для ВУЗа М., Стройиздат 1989.
14. ШНК 2.07.01 – 03
15. Перцик Е.Н. «Районная планировка (территориальное планирование)»: Учебное пособие для вузов 2006

2-Мавзу: Жойлаштириш тузилмаси (тури ва шакллари)

Режа:

- 2.1. Аҳоли жойлашишининг шакли.**
- 2.2. Субрегионал ва регионал аҳоли жойлашуви тизимлари.**
- 2.3. Аҳоли жойлашишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар.**

2.1. Аҳоли жойлашишининг шакли.

Аҳоли жойлашиши атамаси орқали мамлакат ҳудудида шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшаш жойларининг биргаликда, ўзаро боғлиқ ҳолда фазовий-ҳудудий жойлашиши тизими тушунилади.

Бошқача сўз билан айтганда Аҳоли жойлашиши деганда мавжуд аҳоли яшаш жойларини ривожлантириш ва янгиларини барпо қилиш орқали ҳудудларда аҳолининг тақсимланиш жараёни тушунилади.


Катталиги турлича бўлган шаҳарларда уларнинг халқ хўжалиги тузилиши, уларни ижтимоий меҳнат бўлинишидаги бажарадиган ролига асосан мос келади. Кен саноати, ҳамда қайта ишлаш саноатининг бошланғич тармоқлари кичик ва ўрта шаҳарларга, ҳамда шаҳар тоифасидаги кишлоқлар томон тортилади (Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Красногорск ва бошқалар). Саноат «якуний» тармоқлари (машинасозлик, кимё, радиоэлектроника) эса катта, йирик ва энг йирик шаҳарларда кўпроқ ривожланади. Тадқиқотлар умуман шаҳарларнинг ўсиши билан уларда саноат тўпланишининг даражаси ортиб боришини кўрсатади. Катта, йирик ва энг йирик шаҳарлар аҳолисининг кўпайиши билан бир вақтда уларнинг сони ҳам кўпайиб бориши кузатилган.

1926 йилда Ўзбекистонда 26 та шаҳарлар бўлган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 129 тани ташкил этади. Уларнинг жадал ўсиши даставвал ижтимоий-иқтисодий омилларга боғлиқ (саноат билан фаннинг қўшилиши, таълим ва бошқалар).

Ижтимоий меҳнатнинг бўлинишида кичик ва ўрта шаҳарлар катта ўрин эгаллайди. Улар абсолют кўпчилиқни ташкил этадилар. Ҳозирги кунда кичик ва ўрта шаҳарларнинг ўсиши, келажак ривожланиши, уларнинг архитектура–режавий ечимлари сифатини ошириш муаммолари мавжуд. Уларда эркин

меҳнат ресурсларини ижтимоий меҳнатга жалб этиш муаммоси катта ўрин эгаллайди.

Шундай қилиб, аҳоли жойлашиши усули ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, ижтимоий меҳнат бўлиниши, жамиятнинг ижтимоий тузилиши, унинг маданияти ва дунёқараши билан белгиланади, табиий-географик шароитлар унинг шаклланишига таъсир кўрсатади.



Йирик шаҳар ва туманларда меҳнат ресурслари тақсимооти.

Йирик шаҳардан узоқлашган сайин меҳнат алоқалари пасайган.

Аҳоли жойлашишининг қандай кўринишлари мавжуд?

Аҳоли жойлашишининг турлари ишлаб чиқаришнинг ихтисослашишига ва унинг тармоқларининг кооперациясига боғлиқ. Аҳоли жойлашишининг турлари, шунингдек аҳоли яшаш жойлари иқтисодий базасининг хусусиятлари ва уларнинг катталиги билан белгиланади. Ибтидоий жамоа тузуми тугатилиши билан меҳнатнинг тақсимланиши – ҳунармандчилик ва савдо соҳасидан қишлоқ хўжалигининг ажралиши жараёни аҳоли жойлашишининг иккита тури – шаҳар ва қишлоқ турини вужудга келтирди.

Ҳозирги кунда ҳам аҳоли жойлашишининг иккита асосий турини ажратиш мумкин:

– *шаҳар тури* - шаҳарлар ва шаҳар туридаги қишлоқларнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ;

– *қишлоқ тури* - турли қишлоқ аҳоли яшаш жойларининг ривожланиши билан боғлиқ.

Ҳар бир асосий кўриниш ичида иқтисодий, табиий, демографик ва бошқа ўзига хос шароитларга боғлиқ ҳолда бир қатор турларини ажратиш мумкин. Аҳоли жойлашишининг шаҳар кўриниши ичида аҳолининг энг йирик, йирик ва катта шаҳарларда тўпланиши билан ажратиб турадиган жамланган ёки зичлашган (концентрированный) тури ҳамда аҳолининг кўпчилик қисми ўрта, кичик шаҳар ва шаҳар туридаги қишлоқ жойларига тарқалган (дисперсный) турлари бўлади.

2.2. Субрегионал ва регионал аҳоли жойлашуви тизимлари.

Аҳоли жойлашишининг шакли аҳоли яшаш жойлари турининг зичлиги, маълум бир ҳудуд чегарасида ўзаро жойлашиши хусусиятларига ҳамда аҳоли яшаш жойлари орасидаги алоқа турларининг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Аҳоли яшаш жойлари ўртасида алоқаларнинг турли кўринишлари шаклланмоқда. Аҳоли яшаш жойларининг ўзаро жойлашиш хусусиятлари ва улар орасидаги функционал алоқалар ривожланиши аҳоли жойлашишининг иккинчи аломатини – уларнинг *автоном* (АРТ) ёки *гурӯҳ* (АГТ) шаклга мансуб эканлигини белгилайди.

Аҳоли яшаш жойларининг регионал тизимида (АРТ) аҳоли яшаш жойлари бир-бирларидан узоқ жойлашган, улар ўртасидаги коммуникациялар ривожланмаган, транспорт алоқалари кучсиз ривожланган, аҳоли яшаш


жойлари бир-биридан ажралган ҳолда ҳоли ривожланади, функционал алоқалар кучсиз ва турғун эмас.

Аҳоли яшаш жойларининг гуруҳли тизимида (АГТ) эса, улар гуруҳ ташкил этадилар. Бир-бирлари билан ривожланган коммуникация тури ва турғун функционал алоқалар билан боғлангандир. Бу бир-бирлари билан ривожланган ҳудудий ишлаб чиқариш алоқалари, умумий муҳандислик инфраструктурали, ижтимоий-маданий, хизмат кўрсатиш марказларининг яхлит тури билан бирлашган, турли катталиқдаги халқ хўжалиги соҳасидаги шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларининг мажмуасидир.

Аҳоли жойлашишини гуруҳли тизими йирик ва энг йирик, ҳамда туманлараро ва вилоят марказлари функцияларини бажарувчи ўрта ва катта шаҳарлар таъсири зонасида шаклланади.


Аҳоли жойлашишининг гуруҳли тизимида уларнинг марказигача транспортда етиб бориш вақти 1,5-2 соатни ташкил этади. Марказ шаҳарнинг катталигига қараб аҳоли жойлашишининг гуруҳли тизимининг учта турини фарқлашади:

- йирик - марказ шаҳар аҳолиси 500 минг киши;
- ўртача - марказ шаҳар аҳолиси 100-500 минг киши;
- кичик - марказ шаҳар аҳолиси 50-100 минг киши.



Аҳоли яшаш жойларининг гуруҳли ситемасини лойихалаш методикаси.

1 – функционал модел; 2 – ҳудудни баҳолаш; 3,4 – фазовий ҳудудларга ажратиш моделлари (секторли, комбинациялашган); 5,6,7 – аҳолини жойлаштириш вариантлари (чизикли, марказлашган, гуруҳли); 8 – архитектуравий-режавий ечим.



Катта шаҳар асосида шаклланган аҳоли жойларининг гуруҳли тизимига схематик мисоллар:

1 – йирик шаҳар билан ўзаро боғланган аҳоли яшаш жойлари; 2 – йирик шаҳар таъсирига тортилувчи аҳоли жойлари.

Мамлакатимиз ҳудудида узоқ муддат давом этган меҳнатнинг бўлиниши жараёнида аҳоли жойлашишининг турлари ва шакллари тарихан шаклланди. Ўзбекистонга хос хусусияти шундан иборатки, аҳоли жойлашуви жараёнида интенсив шаҳарсозлик ўзлаштириш қисмлари (воҳалар) шаклланди, у ерда аҳоли жойлари ҳудудлари, меҳнат жойлари, хизмат кўрсатиш марказлари, рекреацион ҳудудларни ўзаро боғлиқ ривожлантириш учун қулай шароитлар мавжуд. Аҳоли жойларининг кучайиб бораётган маконий интеграцияси жараёнлари натижасида аҳоли жойлашувининг таянч каркаси, ягона ҳудудий функционал организм аҳоли жойлашуви тизими шаклланади.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда урбанизация жараёнларининг ривожланиши аҳоли жойлашуви шакли ва шаҳарсозлик лойиҳалаш объектларини мураккаблашувига олиб келган. Бу яна алоҳида шаҳар ва қишлоқ жойлари орасидаги иқтисодий, меҳнат, маданий-маиший ва бошқа алоқаларни интенсивлаштириш натижасида ҳам юзага келади. Бу эса ҳаёт муҳитини нафақат алоҳида аҳоли жойлари чегарасида, балки ривожланган шаҳарсозлик тузилмалари - аҳоли жойлашуви тизимлари доирасида такомиллаштириш лозимлигини кўрсатади. Бу тизимлар ўз навбатида янада йирикроқ субрегионал ва регионал даражадаги маконий-тархий бирликлар

таркибига кирадилар. Субрегионал ва регионал аҳоли жойлашуви тизимлари анча катта ҳудудлар доирасида (вилоят, иқтисодий туман, республика) шаклланиб, Ўзбекистон ҳудудида ягона аҳоли жойлашуви тизимини ташкил этадилар.

2.3. Аҳоли жойлашишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар.

Туманни режалаштиришда ҳудуднинг таҳлили учун қандай омилларни ўрганиб чиқиш лозим?

Аҳоли жойлашишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар қуйидагилар:

- иқлим, тупроқ ва гидрогеологик шароит;
- саноат ишлаб чиқариши учун база ҳисобланган фойдали қазилмалар ва ёқилғи-энергетика ресурслари;
- транспорт коммуникацияларининг ривожланишини белгилаб боровчи табиий шакл.

Инсонлар ҳаёти ва меҳнатига таъсир этувчи табиий иқлим омиллари катта аҳамият касб этади (ҳарорат, шамол ва намлик, ичимлик суви билан таъминланганлик, ер рельефи, қурилишнинг геологик шароитлари, сейсмик ҳолат, абадий музлик, сел, замин чўкувчанлиги ва ҳоказолар).

Ер юзасида аҳолининг дастлабки жойлашиши ибтидоий жамоа билан табиий муҳит ўртасидаги ўзаро алоқа билан белгиланган.

Табиий шароитларнинг қулайлиги қадимги шаҳар маданиятининг иқтисодий асосини ташкил этувчи йирик суғориладиган ерлар тизимини шакллантириш имконини берган. Бундай ерлар тизими Мисрда Нил дарёсининг қуйи оқимида, Мессопотамияда Тигр ва Ефрат дарёлари қуйи оқимида, Ҳиндистонда Ҳинд ва Ганга дарёлари соҳилларида вужудга келган.

Аҳолининг чекланган ҳудудда тўпланиши аҳоли жойлашишининг табиий шароитларга янгича боғлиқликларини белгилади. Шаҳарлар тўпланиши йирик сунъий муҳит массивларини табиий муҳитга қарама-қарши қилиб қўйди. Одамларни сунъий муҳит ичида чеклаб, уларни; табиатдан ажратиб қўйди. Одамларнинг атроф-муҳитга кучли таъсири вужудга келди ва унинг табиийлиги йўқола бошлади. Аҳоли яшаш жойлари табиий ландшафтга мажбуран бўйсунган шаклларни эгаллади. Шу билан бир қаторда, техниканинг тараққиёти натижасида рельефни қайта ўзгартириш ва гидрогеологик шароитларга кучли таъсир кўрсатиш бошланди. Лекин табиатга бундай таъсир кўрсатишнинг мақсадга мувофиқ келадиган чегараси бор.

Худудни таҳлил қилишнинг асосий мақсадлари: ундан турли хил соҳаларда фойдаланишга яроқлилигини аниқлаш: шаҳар қурилишига, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига, аҳолининг оммавий дам олиш учун 4 худудни тархий ташкил этишга талабларни аниқлаш.

Табиий омилларга қуйидагилар киради:

- гидрогеологик шарт-шароитлар;
- минерал хом-ашё ресурслари;
- инженер-геологик шарт-шароитлар;
- иклимий шарт-шароитлар;
- гидрологик шарт-шароитлар;
- тупроқлар;
- ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;
- ландшафт тавсифи.

Геоморфологик шарт-шароитларни ўрганганда рельефнинг морфологик ва морфометрик элементларига: шаклига, генетик турига, абсолют ва нисбий баландликларига, эрозион бўлиниш чуқурлиги ва қалинлигига, қияликларга алоҳида эътибор берилди. Топографик, геоморфологик ва инженер-геологик съёмкалар материаллари асос бўлиб хизмат қилади.

Геологик тузилиши - худуднинг неотектоник активлиги ва сейсмикаси, стратиграфик ва литологик комплексларнинг борлиги, уларнинг тузилиши, ёйилиш қонуниятлари ва қуввати нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Таҳлил учун тектоник геоморфологик, геологик ва бошқа геология фондидаги материаллардан фойдаланади.

Гидрогеологик шарт-шароитларни таҳлил қилганда ер ости сувларининг сув элтувчи горизонтлари, уларнинг тарқалиши, чуқурлиги, сувга тўйинганлиги, кимёвий таркиб ва агрессивлиги каби тавсифи берилди.

Минерал хом ашё ресурслари саноат ишлаб чиқариш ёки курорт хўжалигини ривожлантириш базаси сифатида тавсифланади, уларнинг тарқалиш майдонлари эса тархий чекланиш сифатида хизмат қилади. Бунда ишлаб бўлинган майдонлар рекультивация ва хўжалик мақсадлари учун кейинчалик фойдаланиладиган худудлар сифатида қаралади.

Саноат аҳамиятидаги конларнинг қисқача геологик-иқтисодий тавсифини келтиришда (жойлашиши, тури, даражаси ва ўзлаштириш келажаги, ишлаб чиқариш усули, тарқалиш майдонлари ва х.к.) геология вазирлигининг, тармоқ идораларининг материалларидан фойдаланилади.

Инженер-геологик шарт-шароитларни таҳлил қилганда инженер-геологик худудлаштириш кўрсаткичларининг: геоморфологик, геолого-литологик, гидрогеологик, тупроқларнинг таркиби, физик-механик ва филтрацион хусусиятлари, уларнинг юк кўтариш қобилиятлари, замонавий геологик ва инженер-геологик процесслар ва ҳолатлар, уларнинг тарқалиши ва ривожланиш интенсивлигининг тавсифи келтирилади.

Комплекс геологик-гидрогеологик экспедициялар материаллари, геологик фонд материаллари асос бўлиб хизмат қилади.

Иқлимий шарт-шароитлар умумиқлимий, қурилиш-иқлимий, физиологик-иқлимий ва агроиқлимий тавсифларни ўз ичига олади.

Умумий иқлимий шароитларни тавсифлаганда ҳавонинг ҳарорати ва намлиги, ёғингарчилик, шамоллар, қуёш радиацияси, абсолют максимум ва минимум ҳароратларнинг йиллик амплитудаси, энг иссиқ ва энг совуқ ойларнинг ўртача ҳарорати, ойлик ўртача ҳавонинг абсолют ва нисбий намликлари тўғрисидаги кўрсаткичлар келтирилади. Бундан ташқари йилнинг иссиқ ва совуқ вақтларидаги ўртача ёғингарчилик миқдори, йил давомидаги ёғингарчилик ва қорли кунлар сони, қор қопламнинг баландлиги, шамолнинг максимал тезликлари келтирилади.

Қурилиш-иқлимий шароитларни ўрганганда тегишли қурилиш меъёрлари кўрсатмаларига ("Қурилиш климатологияси ва геофизикаси") амал қилиш лозим.

Худудни физиологик-иқлимий баҳолаганда санитар-иқлимий зоналарга бўлиш ёки иқлимий-рекреацион баҳолаш услубларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Агроиқлимий баҳолаш худудни иссиқлик ва намлик билан таъминланганлигини аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Иссиқлик билан таъминланганлик актив вегетация давридаги (ҳавонинг ўртача кунлик ҳарорати 10°C дан юқори) ҳароратлар йиғиндиси билан ўлчанади. Намлик билан таъминланганлик эса намланиш даражаси ва гидротермик коэффициент билан баҳоланади. Худудни агроиқлимий баҳолаганда "Агроиқлим ресурслари" маълумотномасидан фойдаланиш тавсия этилади.

Гидрогеография тармоқлари дарёларнинг узунлиги, сув омборлари ва кўлларнинг кўзгу майдонлари, дарёларнинг сув йиғиш майдонлари, озикланиш шароитлари ва сув сарфи, оқим тезлиги, тошқинлар давомийлиги билан тавсифланади.

Тупроқлар- уларнинг асосий турлари ва тарқалиши, эррозион жараёнлар, сифат ва агроиктисодий баҳолаш билан тавсифланади.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси асосий турларининг тарқалиши, ўсимлик ва ҳайвонларнинг экологик ва сифат хусусиятлари билан тавсифланади.

Ландшафтлар оммавий дам олиш ва туризмга эстетик ва композицион хусусиятлари нуқтаи назаридан мос келиши билан ҳамда уларнинг антропоген бузилганлиги жиҳатлари билан тавсифланади. Табиатнинг бебаҳо гўшалари сифатида энг қимматли ёки ёввойи ҳайвонларнинг жон сақлайдиган ландшафтлар аниқланиб, кейинчалик қўриқланадиган жойларга айлантириш кўзда тутилади.

Худудларни баҳолаш асосий хўжалик юритиш турлари учун амалга оширилади. Туманни режалаштириш тузилмаларида: шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалиги ва дам олиш; туманни режалаштириш лойиҳаларида эса - саноат ва граждон қурилиши, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, оммавий дам олиш ва табиатни қўриқлаш ишлаб чиқилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

16.Д.У. Исамухамедова, Л.А. Адилова. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси». I, II қисм. Тошкент, 2009 г, 2012 г. Дарслик.

17.Д.У. Исамухамедова, А.Т. Исмоилов, А.Т. Хотамов. «Инженерлик оводонлаштириш ва транспорт» Дарслик. Т. «Алоқачи». 2009 г.

18.Т.Ф. Кадырова «Пути архитектурного возрождения Узбекистана. Традиции и современность»

19.«Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений»

20.Г. М. Лаппо «География городов» (1997)

21.Вавакин Л.В., Белоусов В.Н. «Градостроительство в век информатизации»

22.Иконников А.В. «Пространство и форма в архитектуре и градостроительстве» 2006

23.Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства

24.Узбекистана. Ташкент 1988.

25.А.Гутнов. В.Глазычев. Мир архитектуры (Лицо города). М.

26.«Молодая гвардия» 1990.

27.Авдотьян Л.Н. и др. Градостроительное проектирование» Учебник

28.для ВУЗа М.,Стройиздат 1989.

29.ШНК 2.07.01 – 03

3-Мавзу: Макон – ижтимоий муаммо сифатида.

Режа:

3.1. Туман режалаштириш тузилмалари ва лойиҳалари.

3.2. Ўзбекистонда лойиҳалаш босқичлари.

3.3. Ўзбекистон туманни режалаштириш комплекс тузилмаси.

3.1. Туман режалаштириш тузилмалари ва лойиҳалари.

Туман режалаштириш тузилмалари ва лойиҳалари буюртмачи томонидан берилган лойиҳалаш топшириғи асосида бажарилади ва чизмалар, ҳамда тушунтириш хатидан иборат бўлади. Топшириқда режалаштирилаётган ҳудудда ишлаб чиқариш кучлари ва аҳоли жойлашиши ривожининг келажак йўналиши белгиланади, бундан ташқари, лойиҳалаш тартиби ва муддати кўрсатилади. Туман режалаштириш лойиҳалари таклифлари 20-25 йил муддатга ишланади ва унда 2 босқич: 1 босқич ва ҳисобга олинган муддат ажратилади.

Туман режалаштириш тузилмаси ва лойиҳаларининг чизма хужжатларига топографик харитага ишланган лойиҳавий тарх ва бошқалар киради.

Ёзма хужжатлар таркибига тушунтириш хати (баённомаси) киради ва унда қабул қилинган режавий ечимларнинг асосланиши, ҳамда амалга ошириш тартиби ва муддатлари келтирилади.

Туман режалаштириш қатъий кетма-кетликда амалга оширилади. Даставвал туман режалаштириш тузилмаси ишланади, унда халқ хўжалиги тармоқлари ривожланишининг асосий йўналишлари кўрсатилади;

ҳудудларни режавий ва функционал ташкил қилиш асосланади; айрим ҳудудлар ўртасидаги алоқалар белгиланади, вилоят муҳандислик-техник инфратузилмасини ташкил этиш белгиланади, сўнгра алоҳида маъмурий туманлар учун туман режалаштириш лойиҳалари ишланади, уларда ҳудудларни батафсил таҳлил қилиш асосида саноат ва фуқаро қурилиши, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва дам олиш ҳудудлари майдонлари кўрсатилади. Ҳар бир туман ва унинг таркибига кирувчи аҳоли яшаш жойлари аҳолисининг сони аниқланади, аҳоли жойлашиши, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва оммавий дам олиш ҳудудлари тизимларини шакллантириш бўйича архитектура-режавий таклифлар ишланади; табиатни муҳофаза қилиш ва ландшафтни яхшилаш таклифлари берилади.

Туман режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларининг қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин:

- саноат туманларини режалаштириш;
- қишлоқ маъмурий туманларини режалаштириш;
- курорт туманлари ва ҳудудларини режалаштириш;
- йирик шаҳарлар атроф қисмини режалаштириш.

Саноат туманлари. Саноат иқтисодий туманлар шаклига кучли таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Саноат туманларини режалаштиришнинг асосий масалалари бу қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни ташкил этиш:

- қувват ва хом ашё манбаларига яқинлик;
- маҳсулот истеъмолчиларига яқинлик;
- меҳнат кадрлари билан таъминланганлик;
- юк ташишни осонлаштирувчи қулай транспорт алоқалари

мавжудлиги;

- аҳоли учун турар жой ва иш жойлари ҳудудлари ўртасида қулай алоқани таъминлаш;

- шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги базасини ташкил этиш;
- атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тадбирлар.

Қишлоқ хўжалиги туманлари. Ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларидан бири қишлоқ хўжалигидир. Қишлоқ хўжалиги туманларининг туман режалаштириш лойиҳаси уларнинг ишлаб чиқариш ва аҳоли жоллашиши хусусиятларига боғлиқ. Аввало ушбу қишлоқ хўжалиги туманининг йўналиши аниқланади (сабзаёт етиштириш, боғдорчилик ва ҳ.к.). Маълум миқдорда табиий шароитлар орқали белгиланадиган йўналиш ер фондидан самарали фойдаланишга ёрдам берувчи туман ҳудудини қисмларга ажратиш даражасида чуқурлашади. Кейинги этапда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқувчи ва қайта ишловчи корхоналарни саноатнинг бошқа тармоқлари корхоналари билан комплекс жойлаштириш жараёни амалга оширилади. Аграр-саноат интеграцияси принципи асосида ҳозирги қишлоқ хўжалик муассасаси тури ажратилади: ҳудудий аграр-саноат мажмуалари, комбинатлар, бирлашмалар.

Қишлоқ хўжалик муассасасининг тури кўп жиҳадан қишлоқ аҳоли жойлари шакли ва ўлчамларига, секин-аста шаҳар шароити билан тенглашадиган яшаш шароитларининг қулайлигига таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалигида туман режалаштириш лойиҳасини амалга оширишда асосий масала тупроқ ва экинзорлар сифатини яхшилаш учун олиб бориладиган тадбирлардир (сувини кетказиш, суғориш, ўрмон-ҳимоя ҳудудларини, сув омборларини ташкил этиш).

Курорт туманлари. Рекреацион хизмат кўрсатиш ва ҳудуднинг рекреацион ташкил этилиши билан туман режалаштириш шуғулланади. “Рекреацион хизмат кўрсатиш” тушунчаси дам олувчилар ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча хизмат турларини ўз ичига олади (меҳмонхона, томоша кўрсатиш, маиший, овқатланиш, транспорт хизматлари).

Курорт туманларининг туман режалаштириш лойиҳасида ҳал қилинадиган дастлабки масалага уларнинг курорт ва соғломлаштирувчи аҳамиятдаги ресурслари: иқлим, денгиз, шифобахш минераллар, лойлар ва ҳ.к.ларни аниқлаш киради.

Кейинги масалалар:

- курорт ва шифобахш ресурсларни аниқлаш (иқлим, денгиз, тоғлар, шифобахш минерал сув манбалари, шифобахш балчиқ ва ҳ.к.);
- ҳудудларни функционал қисмларга ажратиш.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш радиуслари масалаларини ҳал этишда қуйидаги иқтисодий масалаларни эътиборга олиш лозим:

- ташкилотларни биргаликда жойлаштириш.
- транспорт алоқалари.
- маҳсулотни истеъмол қилувчи туманларга яқинлиги. Кўп маҳсулотларни уларни истеъмол қиладиган жойларда ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқдир. Масалан: машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатларининг тайёр маҳсулотларини хом ашёга қараганда ташиш қийинроқдир.

– қувват омили туманнинг ўзига хослигини белгилайди ва уларда корхоналар жойлаштиришга таъсир этади. Қуввати катта электр станциялари атрофида ҳар доим кўп электр қуввати сарфловчи ишлаб чиқариш корхоналари жойлаштирилади.


- меҳнат ресурслари билан таъминланганлик.

Йирик шаҳарлар атроф қисми. Аҳоли жойлашиши гуруҳли тизимининг асосий шаклларида бири шаҳар аломерацияларидир. Улар ўзида йирик ва катта шаҳарлар ва уларга тортилувчи камроқ аҳолиси бўлган шаҳар атрофи ҳудудларини жамлайди. Шаҳар ва шаҳар атрофи ҳудуди ўртасида мустаҳкам ижтимоий, иқтисодий ва экологик алоқалар мавжуд. Туман режалаштириш асосий шаҳарлар ва шаҳар атрофи ҳудудларининг

вазифавий аҳамияти ва ривожланишини кўриб чиқади. Туман режалаштиришнинг бу йўналишдаги муҳим вазифаларидан бири – марказий шаҳарнинг ўсишини меъёрий даражада бошқарилишига мос ҳолда ҳудуд хўжалиги тармоқларини комплекс жойлаштириш ҳисобланади.

Шаҳар атрофи ҳудудининг чегараларини белгилашда бир қанча омиллар ҳисобга олинади: маъмурий бўлиниш, асосий шаҳар катталиги, ушбу ҳудуднинг келажакдаги халқ хўжалигида фойдаланиш мўлжаллари ва ҳ.к.

Туман режалаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири - шаҳар микроклиминини яхшилаш ва аҳолининг дам олиши учун қулай шароитларни яратиш мақсадида марказий шаҳар атрофида кўкаламзорлар халқасини ҳосил қилишдир. Халқанинг бевосита шаҳарга тегиб турувчи қисми одатда, қурилмалардан ҳоли бўлади ва яшил барьер вазифасини бажаради. Уйдан дам олиш жойигача максимал 1 соат узоқликкача радиусда шаҳар аҳолисининг қисқа муддатли оммавий дам олиш жойлари ташкил этилади. Кўкаламзорлар халқасининг ташқи ҳудудида узоқ муддатли дам олиш жойлари – санаторийлар, дам олиш уйлари, саёҳат масканлари.



Намунавий туманни режалаштириш лойиҳаси (лойиҳавий режа фрагменти):

1–туман чегараси; 2–шаҳар ерлари чегараси; 3–жамоа хўжаликлари чегаралари; 4–саноат бўлимлари чегаралари; 5–туман маркази; 6–шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкалар; 7–хўжаликларнинг марказий посёлкалари; 8–саноат бўлимлари посёлкалари; 9–ҳисоб муддатигача сақланиб қолинадиган бошқа қишлоқ аҳоли жойлари; 10–қишлоқ хўжалиги муассасаларининг ишлаб чиқариш ҳудудлари; 11–саноат корхоналари ҳудудлари; 12–яшаш ҳудудининг заҳира майдонлари чегаралари; 13–саноат корхоналарининг заҳира ҳудудлари чегаралари; 14–

давлат ер фонди; 15–ўрмонлар; 16–ўрмон питомниклари; 17–кўрикхоналар; 18–мева боғлари; 19–кўчат питомниклари; 20–шамолдан ҳимояловчи ва эрозияга қарши экинлар; 21–сув омборлари; 22–пристанлар; 23–дам олиш ҳудудлари; 24–дам олиш уйлари; 25–лагер ва дала ҳовлилар; 26–темир йўллар ва станциялар; 27–давлат аҳамиятидаги йўллар; 28–вилоят аҳамиятидаги йўллар; 29–хўжалик ичидаги йўллар; 30–парк автойўллари; 31–мотеллар; 32–кемпинглар; 33–газ қувурлари; 34–нефт қувурлари; 35–сув қувурлари; 36–ЛЭП (110...35 кВ); 37–электростанциялар; 38–очиқ сув олиш жойлари; 39–тозалаш иншоотлари; 40–қуритиладиган ҳудудлар; 41–аэродромлар; 42–экин экиладиган майдонлар; 43–фойдали қазилмалар конлари.

3.2. Ўзбекистонда лойиҳалаш босқичлари.

Ўзбекистонда қандай лойиҳалаш босқичлари қабул қилинган?

Ўзбекистонда қуйидаги лойиҳалаш босқичлари қабул қилинган:

- шаҳар ривожланишининг бош тархи (шаҳар режалаштириш лойиҳаси) шаҳарни тўла қамраб олади. Бунинг таркибига транспортни, муҳандислик тармоқларини, кўкаламзорларни ва бошқаларни ривожлантиришнинг шартли чизмалари ҳам киради. Шаҳар бош тархи 20 йил муддатга ишланади. М 1:10000;

- батафсил режалаштириш лойиҳаси 7-10 йил муддатга ишланади. таркибига шаҳарнинг йирик бир қисмини (марказ, саноат қисми аҳоли жойлашган қисми ва бошқалар) қамраб олади. М 1:2000;

- қурилиш лойиҳаси муддати 3-5 йил. Бу шаҳарнинг айрим кичикрок бўлақларини қамраб олади (кичик туман, майдон, анҳор бўйи, дам олиш маркази ва бошқалар). М 1:1 000, 1 : 500.

Шаҳарсозлик лойиҳалаш тизими.

Масштаб	Лойиҳалаш даври муддати			
	Қамраб олинадиган ҳудуд	25-30 йил	5-10 йил	2-3 йил
1 : 50 000	Маъмурий туман Агломерация	Туман режалаштири ш		
1 : 25 000	Саноат тумани Курорт тумани	Шартли чизмаси ва Туман режалаштири ш лойиҳалари		
1 : 10 000	Шаҳар, ишчи қишлоқ, қишлоқ аҳоли яшаш жойлари	Шаҳар режалаш лойиҳаси	Биринчи навбат қурилишини жойлаштириш шартли чизмалари	
1 : 2 000	Шаҳар тумани (турар жой, саноат, коммунал хўжалик) Кичик туманлар Шаҳар тумани ва қисмлар (кичик туман, маҳалла)		Батафсил режалаштириш лойиҳаси М 1 : 2 000	Қурилиш лойиҳаси. Алоҳида объектлар қурилиш лойиҳаси

Амалга ошириш - режа ва лойиҳаларни техник, архитектуравий, ҳамда ижтимоий-иқтисодий, молиявий, ташкилий ва бошқа томонларда ҳаётга тадбиқ этиш ҳисобланади.


Шаҳарсозлик лойиҳалашнинг кўп босқичли иерархик тузилиш тизими - бу умумий ва узоқ муддатли лойиҳалардан аниқ ва қисқа даврни қамраб олган лойиҳаларга ўтишдир.

3.3. Ўзбекистон туманни режалаштириш комплекс тузилмаси.

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳалари борасида Ўзбекистонда олимлари ва шаҳарсоз-лойиҳачилари бирга анчагина ишлар бажарилган. «Ўзбекистон ҳудудида Регионал аҳоли жойлашуви тузилмаси», «Ўзбекистон туманни режалаштириш комплекс тузилмаси», «Тошкент агломерацияси туманни режалаштириш комплекс тузилмаси», 2005 йилда “ТошкентбошпланЛИТИ” томонидан лойиҳаланган “Тошкент вилояти туман режалаштириш схемаси 2020 йилгача” ва бошқа вилоятлар туманни режалаштириш тузилмалари томонидан кўпчилик маъмурий туманларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилган.

«Тошкент агломерацияси туманни режалаштириш комплекс тузилмаси» Тошкент воҳасининг келажак ривожланиши масалаларини комплекс ечиш устидаги биринчи уриниш бўлди. Бу ишда бажарилган Тошкент вилояти ҳудудида аҳоли тақсимланиши ва аҳоли жойлариаро алоқаларнинг таҳлили ўзаро боғлиқ аҳоли жойлари гуруҳларини, шу жумладан Тошкент агломерациясини ажратиб олиш имконини берди.

Тошкентнинг ривожланишини тартибга солишнинг асосий концепцияси сифатида Тошкент аҳоли жойлари гуруҳини режали бошқариладиган аҳоли жойлашуви тизимига айлантириш қабул қилинган. Аҳоли жойлашуви тизимининг демографик сифими - 6 млн. киши аниқланган. Табиат муҳофазаси ва ландшафтларни қайта тиклаш бўйича қатор тадбирлар кўзда тутилган.



Шаҳарнинг ривожланиши.

I – биринчи босқич (5-7 йил); *II* – ҳисоб муддати (25-30 йил); *III* – келажакка тахмин;

A – шаҳар ривожланишининг умумий фазовий модели; *B* – жамоат марказининг ривожланиши.

Миграция жараёнлари ҳозирги кунда жуда мураккаблашган. Миграция оқимларини меҳнат ресурсларига талаб жойларга (Мирзачўл, Жиззах) йўналтиришнинг иложи ҳар доим бўлмаган. Шу билан бир қаторда мигрантларнинг кўпчилик қисми меҳнат ресурслари билан нисбатан таъминланган туманларга интилиши кузатилган.

Миграцион сиёсатнинг шаклларида бўлиб етиб бориш қийин бўлган нефт-газ туманларини ўзлаштиришда экспедиция ва вахта-экспедиция усуллари кенг қўлланилмоқда, у ерга аҳоли бошқа туманлардан авиация ёрдамида олиб келинади.

Миллий муаммолар билан боғлиқ туманлар (Қорабоғ, Қрим, Тожикистон, Чеченистон ва ҳ.к.) ва ошиқча радиацияли туманлардан (Чернобил ва Семипалатинск) одамларни кўчириш билан боғлиқ миграция жараёнлари экстремал характерга эга. Зилзила, сув тошқинлари, вулқон отилишлари билан боғлиқ табиий офатлар ҳудудларида ҳам катта миграция жараёнлари кузатилади. Булар жуда мураккаб ва оғир жараёнлар бўлиб, ўзлари билан олдиндан аниқлашга имкон бермайдиган катта демографик ўзгаришларни олиб келади.

Меҳнат ресурсларининг кўнгилсизлиги келган жойларида ўрнаша олмай, тезликда ташлаб кетишлари туфайли одамларнинг оммавий

норационал миграцияси ва уларнинг ўрнига мигрантларнинг янги катта оқимининг оқиб келишини "миграцион беланчак" деб аталади. Шунинг учун аҳолини жалб этишга эҳтиёжи бўлган туманларда «миграция беланчаги» жараёнларининг олдини олиш учун, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни яхшилаш бўйича чоралар кўриш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

30.Д.У. Исамухамедова, Л.А. Адилова. «Шахарсозлик ассослари ва ландшафт архитектураси». I, II қисм. Тошкент, 2009 г, 2012 г. Дарслик.

31.Д.У. Исамухамедова, А.Т. Исмоилов, А.Т. Хотамов. «Инженерлик оводонлаштириш ва транспорт» Дарслик. Т. «Алоқачи». 2009 г.

32.Т.Ф. Кадырова «Пути архитектурного возрождения Узбекистана. Традиции и современность»

33.«Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений»

34.Г. М. Лаппо «География городов» (1997)

35.Вавакин Л.В., Белоусов В.Н. «Градостроительство в век информатизации»

36.Иконников А.В. «Пространство и форма в архитектуре и градостроительстве» 2006

37.Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства

38.Узбекистана. Ташкент 1988.

39.А.Гутнов. В.Глазычев. Мир архитектуры (Лицо города). М.

4-Мавзу: Аҳоли яшаш жойини бош режаси. Лойихалаш ва амалга ошириш.

Режа:

4.1. Янги шаҳар турар-жой ҳудудининг ўзига хос турлари.

4.2. Илмий-тадқиқот институтлари.

4.1. Янги шаҳар турар-жой ҳудудининг ўзига хос турлари.

Аҳоли яшайдиган ҳудуд: бунда турар-жой туманлари, кичик туманлар, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, маъмурий жамоат ташкилотлари, кўкаламзорлар, умумфойдаланадиган спорт иншоотлари, кўчалар ва майдонлар, зарарсиз бўлган айрим саноат ташкилотлари, омборхоналар, ташқи транспорт қурилмалари ва заҳира ҳудудлари жойлашади.

Аҳоли яшайдиган ҳудуд, қоида бўйича, шамол йўналиши томондан қараганда саноат ҳудудидан олдин, дарё оқимининг юқорисида, сув ҳавзалари, кўкаламзорлар яқинида жойлашади. Шаҳарнинг аҳоли яшайдиган ҳудудини ташкил этишда унда турар-жой қурилмаларини, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасаларини, жамоат марказларини, кўчалар тармоғини ва умумий фойдаланиш кўкаламзорларини тўғри (рационал) жойлаштириш кўзда тутилади.

Аҳоли яшайдиган ҳудудларда ишлаб чиқариш чиқиндиларини чиқармайдиган ва катта юк айланишига эга бўлмаган саноат корхоналари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари ва маъмурий-хўжалик муассасалари жойлашиши мумкин.


Йирик ва энг йирик шаҳарлар аҳоли яшайдиган қисмида кўпинча мустақил шаҳар *лойиҳавий туманлари* ўзларининг хизмат кўрсатиш марказлари, меҳнат жойлари, кўкаламзорлар тизими ва дам олиш жойлари билан ажратилади. Катта жойни эгаллаган лойиҳавий туманлар, қоида бўйича турар-жой туманлари, саноат ва дам олиш (рекреацион) туманларга бўлинади.

Турар-жой тумани шаҳарнинг асосий таркибий бирлиги ҳисобланади. Турар-жой тумани ҳудуди қуйидаги асосий функционал қисмлардан иборатдир:

- турар-жой кичик туманлари;
- турар-жой тумани жамоат-савдо маркази;
- турар-жой туманининг боғи ва спорт комплекси;
- кўчалар, майдонлар, бульварлар.

4.2. Илмий-тадқиқот институтлари


Турар-жой туманининг катталиги шаҳарни режалаштиришнинг аниқ шароитлари билан ҳамда унинг жамоат марказини 15-20 дақиқалик пиёда етиш талаблари, яъни 1000 - 1200 м масофа узоклиги билан белгиланади. Бу тахминан 150-200 га ҳудуд бўлиб, унда 25-40 минг аҳоли яшайди. Турар-жой тумани магистраллараро ҳудудда шаклланади ва унинг ҳудудини тезкор кўчалар, магистрал кўчалар ва шаҳар аҳмиятидаги кўчалар кесиб ўтиши мумкин эмас.



Янги шаҳар турар-жой ҳудудининг ўзига хос турлари.

- A* - 180минг аҳолига мўлжалланган, узоклаштирилган саноат ҳудуди бўлган янги шаҳар;
- B* - сув омбори бўйидаги марказий дам олиш ҳудудига чиқувчи яшаш ҳудуди;
- B* - маҳаллий саноатга уланган туман;
- G* - шаҳар марказига уланган туман. 50 минг кишига мўлжалланган, туман маркази

лойиҳаланмаган.



60-80 минг кишилик шаҳар яшаш ҳудудининг 25-35 минг кишилик турар-жой туманларига ажратилиши. Улар ўзаро умумшаҳар маркази, транспорт магистраллари ва кўчалар, пиёда йўллари, ҳамда кўкаламзор ҳудудлар орқали боғланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

40.Д.У. Исамухамедова, Л.А. Адилова. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси». I, II қисм. Тошкент, 2009 г, 2012 г. Дарслик.

41.Д.У. Исамухамедова, А.Т. Исмоилов, А.Т. Хотамов. «Инженерлик оводонлаштириш ва транспорт» Дарслик. Т. «Алоқачи». 2009 г.

42.Т.Ф. Кадырова «Пути архитектурного возрождения Узбекистана. Традиции и современность»

43.«Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений»

44.Г. М. Лаппо «География городов» (1997)

45.Вавакин Л.В., Белоусов В.Н. «Градостроительство в век информатизации»

46. Иконников А.В. «Пространство и форма в архитектуре и градостроительстве» 2006

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

Бош режаларни ишлаб чиқишда замонавий ёндашувлар

Бош режани режалаштириш ва қуриш кўп шартларга боғлиқ, уларнинг бир қисмини шаҳарсозлик шартларига киритиш мумкин.

Бош режанинг умумий архитектура-фазовий композициясига таъсир кўрсатувчи шаҳарсозлик омилларига табиий иқлим, ландшафт ва бошқалар киради. Турар-жой туманининг тузилиши транспорт магистралларининг жойлашишига ҳам боғлиқдир.

Бош режада аҳоли жойларининг катта қисмини эгаллайди, уларнинг қурилмалари меъморий яшаш муҳитини ташкил этади, жамоат ва саноат бинолари архитектураси билан биргаликда шаҳарнинг умумий меъморий кўринишини белгилайди.

Турар-жой туманларини режалаштириш ва қуришнинг меъморий бадиий вазифаларини ечиш ижтимоий, функционал, шаҳарсозлик ва қурилиш-технологик талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоғи лозим.

Турар-жой бинолари жамоат ва саноат биноларидаги элементлари (ойна, балкон, лоджия ва бошқа) ҳамда фасадлар пластикаси ритмик бўлинишларининг ва умуман ҳажмий композициянинг майда меъморий нисбатига эгадирлар. Турар-жой бинолари ва мажмуалари архитектурасининг жамоат биноларини архитектурасидан фарқи уларнинг композицион қурилишидадир. Жамоат биноси архитектурасига ҳажмлар ва композицион ўқларнинг бир-бирига бўйсунуши, асосий ўқларни, оммавий кириш жойларини ва бошқа асосий элементларни ажратиш характерлидир. Турар-жой биноси архитектурасига эса тенг композицион ўқларнинг ритмик қайтарилиши асосида композицион қуришлар хосдир.

Турар-жой бинолари ва уларнинг комплекслари архитектурасининг бу ўзига хос хусусиятлари яшил ҳовлилар, болалар муассасаларининг кичик

жамоат бинолари, кичик меъморий , шакллар билан анча тинч, хотиржам ва шинам яшаш муҳитни белгилайди.

Блок-секцияларни қўллаш очик, ярим очик, ёпиқ ҳовлили турли хил маконий композицияли қурилмаларни қўллашда, тархда тўғри, эгри за кўп бурчакли иморатларни бир хил ёки аралаш қаватли турларидан фойдаланишга кенг имкониятлар яратади. Лойиҳалашда блок-секцияли усулни қўллаш меъморий-маконий ечимни иқлим, жойнинг рельефи, шаҳарсозлик шароитлари хусусиятларига мослаштириш имконини беради.

Турар-жой туманлари ва кичик туманларнинг меъморий-тархий ечимларини шаҳарнинг ҳамма аҳоли яшайдиган қисми меъморий-маконий тузилишининг элементи сифатида қараш лозим, бу тузилишдаги умумий меъморий ғояни ривожлантириш, қўшни туманлар архитектураси билан композицион алоқани амалга ошириш лозим.

Бизнинг меъморий амалиётимизда турар-жой туманлари ва кичик туманларини лойиҳалаш ўз босқичларига эга. 60-йилларгача бу - кўчалар қизил чизиқлар бўйлаб периметрал қурилмалар, кварталлар ичидаги маконларининг элементар шаклидир. 60 йилларда режалаштириш анча қулайлашиб, инсоляция, аэрация, рельефни ҳисобга олиш ва бошқа талабларга жавоб беришга ҳаракат қилади. Аммо намунали уйлар ориентациясининг чекланганлиги уларнинг бир хил сатрли жойлашиб қолишига, ҳаётда тор аморф коридорсифат перспективалар тизимини намоён этган.

70-йиллар худди шундай бир хил, қиёфасиз, масштабсиз тархий тузилмалар билан характерланади. Фақат 80-йиллардагина шаҳарсозлик ва табиий-иқлимий шароитларни, турар-жой тузилмаларининг катталигини ҳисобга олувчи индивидуал, хилма-хил тархий композициялар пайдо бўла бошлади.

Кичик туман турар-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари, савдо марказлари, ободонлаштириш элементлари каби ўнлаб иншоотларни ўз ичига олувчи мураккаб организмдир.

Бу мажмуани композицион ҳал этиш учун иморатларнинг қавати, уларнинг шакли, узунлиги, меъморий кўриниши, ранги ва ҳоказоларни тўғри танлаш муҳимдир. Қурилмаларнинг кўринишини ташкил этувчи ва уларнинг меъморий «жаранглашини» белгиловчи очик ҳудудларнинг ўлчамлари, шакли, пропорциялари, ёритилганлиги, динамикаси ёки статикаси рангли колорити ва бошқа хусусиятлари ҳам катта аҳамиятга эга. Турар-жой тумани ёки кичик туманини агар уни макон ва вақтда ривожланади деб ҳисобланса, фақат янги турдаги ансамбл сифатида қаралиши мумкин.

У анъанавий меъморий ансамбл сифатларига эга эмас: турар-жой комплексида асосий ва иккинчи даражали элементлар - классик ансамблнинг шаклий асослари йўқ; фронтал ёки ўқ бўйича ривожланадиган композицияни куриш учун керакли элементлар ҳам йўқ.

Шундай қилиб, турар-жой туманлари ва кичик туманларини куришнинг бадий хусусиятлари шундаки, уларга анъанавий меъморий композиция тўғрисидаги тасаввурларни қўллаб бўлмайди.

Ҳозирги замон меъморчилиги учун урбанистик манзараларнинг босқичма-босқичлиги характерлидир. Замонавий шаҳар панорамасида турар-жой массивлари улкан шаҳарсозлик элементлари учун (масалан баланд қаватли иморатлар) маконий фон вазифасини бажаради. Бунда композицион усулларни визуал қабул қилиш жуда муҳимдир.

Турар-жой қурилмаларини ташкил этиш усуллари уларнинг ўлчамлари, ҳолати ва бошқа курилиш шароитларига кўра турличадир. Аммо ҳар қандай шароитда уларнинг : макони инсоннинг кундалик ҳаёти учун эпизодик ва қисқа вақт туришга мўлжалланган монументал ансамбл эмас, балки қулай ва шинам муҳит ташкил этиши лозим.

Турар-жой қурилмаларида масштабlilik катта аҳамиятга эга, чунки турар-жой муҳити бошқаларга нисбатан инсон ўлчамларига мутаносиб бўлмоғи лозим. Шунинг учун жуда баланд иморатларини қўллашда, ўрта ва кам қаватли биноларни ҳам қўшиш керак, ёки уларни анча кичик қисмларга бўлиш керак, бу инсон ўлчамларига мутаносиб муҳит яратишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

47.Д.У. Исамухамедова, Л.А. Адилова. «Шахарсозлик ассослари ва ландшафт архитектураси». I, II қисм. Тошкент, 2009 г, 2012 г. Дарслик.

48.Д.У. Исамухамедова, А.Т. Исмоилов, А.Т. Хотамов. «Инженерлик оводонлаштириш ва транспорт» Дарслик. Т. «Алоқачи». 2009 г.

49.Т.Ф. Кадырова «Пути архитектурного возрождения Узбекистана. Традиции и современность»

50.«Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений»

51.Г. М. Лаппо «География городов» (1997)

52.Вавакин Л.В., Белоусов В.Н. «Градостроительство в век информатизации»

53.Иконников А.В. «Пространство и форма в архитектуре и градостроительстве» 2006


2- амалий: Келажак шаҳри – тизимли таҳлилнинг зарур шартлари.

Ҳозирги кунда ҳам архитекторлар томонидан бир неча келажак шаҳарлари ғоялари яратилмоқда. Шулардан бири, келиб чиқиши бельгиялик бўлган француз архитектори Венсан Каллебо (Vincent Callebaut) яратган 50 минг аҳоли учун улкан шаҳар-лилиядир (Lilypad).



XX асрда дунё океанининг сатҳи атиги ўн сантиметрга кўтарилган бўлса, XXI асрда 50 сантиметрга кўтарилиши тахмин қилинмоқда (бунинг учун Антарктида музининг бор-йўғи 1 %и эриши кифоя). Улкан шаҳар-лилия эса куруқликдаги ҳароратнинг кўтарилиши оқибатларидан қочадиган эмигрантлар учун мўлжалланган.

Кўринишидан Lilyrad улкан сув лилиясига ўхшаб кетади (унинг энг йирик тури – амазон лилиясига). Қурилманинг икки қаватли қоплами титан диоксиди билан қопланган полиэфир толасидан иборат. Шунингдек, қуёш батареялари, шамол ва тўлқинлар энергияси, Ернинг биомассаси энергияси, сувни тозалаш ва фитотозалашдан фойдаланиш ҳам ушбу лойиҳага хосдир. Унинг мувозанатини марказида жойлашган ва чучук сув билан тўлдирилган ҳавза ушлаб туради. Бу қисм океан сатҳи билан баравар туради ва у ерда ёмғир сувлари йиғилиб, қайта ишланади.



Lilyradning okeanga qaraqan tomoniqa denqiz ўsimliqlaridan taʃkil topqan boq bўlaqi, devorlar qatlamida esa, oqamlar yaʃayqi va denqiz flora va faunasini ўrganuvqi olimlar taqdiqot olib boriʃadi.

Yna bir kelaqak ʃaʃri, lekin ʃozirqi kunda quriliʃ iʃlari boʃlab yoborilqan qoya bu Norman Foster (Norman Foster) loyiʃalagan Birlaʃqan Arab Amirliklaridaqi Abu-Dabi ʃaʃri yaqinida qurilaqtgan Masdar ʃaʃri (Masdar City) loyiʃasiqir. Arabqadan Masdar sўzi “manba, buloq” maʃnolarini beraqi. Uʃbu loyiʃaning taʃabbusqorlari (asosiy ўrinqa Masdar energetika korporaqiyasi turadi) ʃaʃarning dunqda birinqi 0 % miqdorqa karbonat anqirid qazi va ʃiqinqi ʃiqaruvqi aʃoli punkti bўliʃini vaqda beriʃmoqqa. ʃaʃar mayqoni 6 million kvadrat metr bўliq, 40-48 ming aʃolini ўziqa qamlaʃi mumkin, ʃuningqek, unqan ʃam kўp turistlarqi ʃar kuni qabuq qila olaqi.



Шаҳар юқоридан қараганда жимжимадор конструкциялар билан қопланган ва бу конструкциялар шаҳарни қуёш нуридан ҳимоя қилади. Шаҳарда кенг қуёшдан қизиган асфальтли майдонлар умуман бўлмайди, лекин бу очик фазовий муҳитлар бўлмайди дегани эмас, балки бундай ҳудудлар турар-жой атмосферасига мослаштирилган ҳолда яратилади.

Шаҳарда барча энергия қуёш ва шамол энергияси, чиқиндиларни қайта ишлаш ва бошқа қайта ишланувчи энергия манбаларидан қувват олувчи фотоэлектрик панеллар орқали таъминланади. Чиқиндилар қайта ишланиши натижасида 99 %га қисқартирилган. Шаҳарда карбонат ангидрид газини чиқарувчи транспорт умуман қўлланилмайди, шаҳар ичида автомобилларнинг экологик моделлари қўлланилади ва келувчилар фақат

автомобиллардан биргаликда фойдаланиши, ҳамда жамоат транспортдан фойдаланишлари мумкин.

Шунингдек, пиёда сайр қилувчилар учун унча кенг бўлмаган ва соя қилинган пиёда йўллари лойиҳаланган ва унда қулай микроклим яратиш чоралари кўрилган.

Абу-Даби ҳукумати мўлжали бўйича шаҳарда дунёнинг бир ярим минг компанияси офислари, лабораториялар ва илмий тадқиқот институтлари жойлашиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Д.У. Исамухамедова, Л.А. Адилова. «Шахарсозлик ассослари ва ландшафт архитектураси». I, II қисм. Тошкент, 2009 г, 2012 г. Дарслик.
2. Д.У. Исамухамедова, А.Т. Исмоилов, А.Т. Хотамов. «Инженерлик оводонлаштириш ва транспорт» Дарслик. Т. «Алоқачи». 2009 г.
3. Т.Ф. Кадырова «Пути архитектурного возрождения Узбекистана. Традиции и современность»
4. «Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений»
5. Г. М. Лаппо «География городов» (1997)
6. Вавакин Л.В., Белоусов В.Н. «Градостроительство в век информатизации»
7. Иконников А.В. «Пространство и форма в архитектуре и градостроительстве» 2006
8. Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства
9. Узбекистана. Ташкент 1988.
10. А. Гутнов, В. Глазычев. Мир архитектуры (Лицо города). М.
11. «Молодая гвардия» 1990.
12. Авдоткин Л.Н. и др. «Градостроительное проектирование» Учебник
13. для ВУЗа М., Стройиздат 1989.
14. ШНК 2.07.01 – 03
15. Перцик Е.Н. «Районная планировка (территориальное планирование)»: Учебное пособие для вузов 2006

. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейсларни бажаришда қуйидагилар назарда тутилади:

- Кейсдаги муаммони самарали бартараф этиш йўллариини белгиланг (кичик гуруҳларда);
- Таклиф этилаётган муаммони ечиш йўллариини асослаб беринг (индивидуал).

1-кейс мазмуни

Янги шаҳарсозлик назариясида ва амалиётида тарихий шаҳарларни сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш доимо долзарб масалалардан бири бўлган. Ўзбекистон ва чет эл мамлакатлари тажрибаси бунини исботлайди. Тарихий шаҳарлар марказлари бугунги кунда машиналар тирбандлиги муаммосига дуч келмоқда. Натижада тарихий ҳудудларда кенг йўллар ўтказилиб, тарихий қисмларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳудудларда замонавий биноларнинг қад кўтариши тарихий муҳит йўқолишига олиб келмоқда.

Топшириқ:

1. Юқоридаги муаммоларни қандай ечиш мумкинлиги хусусида таклифлар беринг?
2. Тарихий шаҳар муҳитини сақлаб қолиш бўйича амалга оширилган жаҳон тажрибасига мисоллар келтиринг?
3. Шаҳарларда анъанавийлик ва замонавийликни қандай уйғунлаштириш мумкин.

2-кейс мазмуни

Шарқ машъали Тошкент кундан-кун чирой очиб бормоқда. 2200 йиллик тарихга эга бўлган мустақил Ўзбекистон пойтахти замонавий мегаполисга эга бўлиб бормоқда. Бу ерда кўплаб маъмурий бинолар, жамоат бинолари, турар уй ва ҳоказо объектлар қурилмоқда. Ҳудудларни ландшафт ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Туризм инфраструктураси яратилмоқда. Аммо, Тошкент сайёҳлар учун сеvimли маконга айланмаяпти. Тошкент

асосан, транзит йўловчилар учун хизмат қиляпти, яъни сайёҳлар Тошкентга самолётда келиб, сўнг поезд ёки автобусда тарихий шаҳарларга йўл олмоқдалар.

Глоссарий

Термин	Маъноси	Description
Агломерация	Лотинча agglomerate - кўшмоқ, қўшилиб кетмоқ маъносини билдиради. Шаҳарларнинг кенгайиб, бир бирига қўшилиб кетиши.	Adding means is added. The urban expansion, one of a merger.
Арк	Бухоронинг қадимги қалъаси. Амирлар саройи бўлиб хизмат қилган.	The ancient fortress. Served as a palace of the Emir.
Антропоген ландшафт	Маълум даражада инсон томонидан ўзгартирилган ландшафт; табиий ландшафтга антропоген компонентлар - иншоотлар, маданий ўсимликлар, ўзгарган тупроқ ва бошқалар қўшилган.	Human-altered landscape; natural landscape of anthropogenic component structures, cultural plants, changing the soil and others.
Аҳоли яшайдиган қисм	Турар-жой туманлари ва кичик туманлари ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари билан банд бўлган ҳудуд.	Residential areas and small districts, cultural and public service institutions in a busy area.
Аҳоли яшаш жойларининг регионал тизими (АРТ)	аҳоли яшаш жойлари бир-бирларидан узоқ жойлашган, улар ўртасидаги коммуникациялар ривожланмаган, функционал алоқалар кучсиз ва турғун эмас.	Settlements are remote from one another, the communication between the development of functional relationships are weak and are not fixed.
Аҳоли яшаш жойларининг гуруҳли тизими	Аҳоли яшаш жойлари гуруҳ ташкил этади. Бир-бирлари билан ривожланган	A group of residential areas. An advanced type of communication with each other with a functional

(АГТ)	коммуникация тури ва турғун функционал алоқалар билан боғланган.	and stable relations.
Берун	Шаҳарнинг ташқи мудофа девори ичидаги қисми. Ташқи шаҳар.	Part of the outer wall of defense of the city. Outside the city.
Бош режа	Объект режасининг асосий чизмаси бўлиб, лойиҳачи фикрларини ифодалайди ва ишчи лойиҳа учун асос ҳисобланади.	Object basic plans, which represents the views of the design and the working basis for the project.
Генезис	Келиб чиқиш, бунёдга келиш, пайдо бўлиш.	Origin, appears to be.
Географик ландшафт	Тупроги, иклими ва шу каби хусусиятлари бир хил бўлган географик ҳудуд, масалан: тоғли ландшафт, агроландшафт	Soil, climate, and similar properties in the same geographical area, for example: a mountainous landscape
Гузар	Ўрта Осиё шаҳарларида даҳа, маҳалладан кичик жамоат бирлиги, жамоат маркази вазифасини ҳам бажаради.	Massif in the cities of Central Asia, particularly small social unit, and also functions as a community center.
Даҳа	Шаҳарнинг таркибий қисми, шаҳар композициясига бўйсунди ва унинг ҳудудида умумшаҳар аҳамиятидаги жамоат марказлари жойлашади.	Part of the city, the city is subject to the compositions and the corresponding importance in the community center.
Дизайн	Ландшафт архитектурасида дизайн сўзи «меъморий муҳит дизайни» маъносида англашилиб, у ушбу муҳитда бадийлик асосида ландшафт элементларини қамраб олувчи ижодий соҳа.	The word landscape architecture design architectural design of the environment he understood the meaning of these creative industries, including elements of the environment on the basis of artistic landscape.
Дорун	Шаҳарнинг ички мудофа девори ичидаги қисми. Ички шаҳар.	Part of the city in the interior wall of defense. The inner city.

Изотермлар	Хариталарда ёзги ўртача ҳарорати бир хил бўлган ҳудудларни бирлаштирувчи чизиқлар	Maps for the area where the average summer temperature is the same assembly lines
Кичик архитектуравий шакллар	Боғ-парк композициясининг сунъий элементлари: беседкалар, ротондалар, пергалалар ва х.к.	Artificial elements fleet composition. gazebo, rotunda, pergola and other
Композицион каркас	Асосий магистрал кўчалар, умумшаҳар ва туман марказлари ҳамда бошқа архитектуравий мажмуалар, майдонлар тизимлари, кўкаламзор ҳудудлар. Улар шаҳар композицион тузилмасининг асосий ташкил этувчиларидир.	The main street, and a corresponding regional centers, as well as other architectural complexes, land systems, green areas. Their main structural component of the composition of the city.
Кўкаламзорлаштириш	Ландшафтни қайта тиклаш, қишлоқ жойларида, саноат муассасалари атрофида ҳимоя ўрмон чизиқларини яратиш, кўча ва магистраллар бўйлаб, турар-жой ва кичик туман чегараларида, боғ ва паркларда экинлар экиш, муҳандислик ва агротехник тадбирлар йиғиндиси	To restore the landscape in rural areas, industrial facilities around the protective forest lines along streets and highways, housing and the lower boundary of the district, the planting of crops, gardens and parks, and the sum of the engineering and technical activities
Кўкаламзорлаштириш меъёри	Шаҳарнинг битта аҳолисига тўғри келадиган кўкаламзорлаштирилган майдонни ифодаловчи кўрсаткич (м.кв. да)	A landscaped area that represents the corresponding figure for the population of the city (sqm)
Ландшафт	Нем. Landschaft, маҳаллий ҳудуд кўриниши. Ўзининг келиб чиқиши, ривожланиши бўйича бир турга эга бўлган табиий ҳудуд кўриниши.	The appearance of the local area. Its origin, the development of a type of appearance of a natural area.
Ландшафт архитектураси	Атроф-муҳитни табиий ва сунъий меъморлик қурилмалари ва элементлари ёрдамида бадий	Natural environment and the formation of artificial devices using the elements of art and architecture; A special type of architecture; the

	шакллантириш санъати; меъморий фаолиятнинг алоҳида тури; ландшафт яратиш амалиётининг назарий асоси.	practice of the landscape to create a theoretical basis.
Ландшат дизайни	Турли хил ландшафт объектларини яратиш учун тузилган лойиҳа; ландшафт объектларининг сунъий элементларини бадий эстетик ва экологик қонуниятлар асосида муайян функцияларга мослаб яратишга қаратилган ижодий фаолият тури.	Project to create objects of a different landscape; landscape elements of artificial objects of artistic creation of adjusting certain functions on the basis of aesthetics and ekolo-gik laws of creative activity.
Майдон	Жамоат мақсадларида фойдаланиладиган кенглик	The wide range of public purposes
Макроиқлим	Маҳаллий, регион, мамлакат, материк иқлими; дендрологик ҳудудларга ажратишда ҳисобга олинади.	The local region, the country, the climate of the mainland; dendrology regions are taken into account.
Макрорельеф	Йирик шакл билан характерланадиган тоғ массивлари, тизмалари, плато, тепаликлар, канъонлар, чуқурликлар худудининг рельефи.	Characterized by the form of the largest mining areas, ridges, plateaus, hills, canyons, relief of the depth of the territory.
Маятникли миграция	Аҳолининг уйдан иш жойига, маданий-маиший хизмат муассасаларига, дам олиш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш учун бориб келиши.	People's house, the place of business, cultural and social service agencies, and other needs to go.
Маҳалла	Кичик шаҳарсозлик бўлинмалари.	A small town departments.

Мегаполис	Агломерацияларнинг ўсиб, бир-бири билан қўшилиб кетишидан ҳосил бўлган, катта урбанизациялашган ҳудудларни қамраб олган бирикма.	Agglomerations growth, a merger in which the compound of covering large areas of urbanization.
Мезорельеф	Макро ва микрорельеф ўртасидаги ўрта рельеф. Унга дарё террасаси, чуқурлик, катта бўлмаган дара, катта бўлмаган тепалик рельефи киради.	Between the macro and mikrorelief middle relief. Terrassa deep ravine of the river, the great relief of the hill.
Миграция	Аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши.	People move from place to place.
Микроиқлим	Бир жойда чегараланган доирада юз берувчи иқлимий ҳодиса (шаҳар, шаҳарнинг бир қисми); катта бўлмаган ҳудуд ёки ҳудуднинг бир қисми иқлимий шароитлари мажмуаси	A limited range of climatic events (city, part of the city); a large area or a part of a complex of climatic conditions of the area
Микрорельеф	Парк, боғ ландшафтида мезорельеф деталлари ҳисобланиб, катта бўлмаган 1-1.5 м майдонни эгалловчи рельефнинг майда элементларидир.	Park, garden landscape mezorelef details of the size of a small area of 1-1.5 m relief elements.
Ориентация	Лойиҳалашнинг алоҳида элементларини дунё томонларига нисбатан жойлаштириш: шимол-жануб (ШЖ), шарқ-ғарб (ШҒ) ва ҳ.к	Special design elements of the world: the north-south (NS) and east-west (EW), etc
Работ	Шаҳарни ўраб турувчи қалъа	Land surrounding the castle
Рекреацион	Дам олиш ва соғлиқни	And is designed to restore the

худуд	тиклаш учун мўлжалланган шаҳарда, шаҳар атрофида махсус ажратилган худуд	health of the city, a special zone around the city
Санитар-химоя қисми	Саноат корхонаси, омборлар, коммунал ва транспорт иншоотларини аҳоли яшайдиган қисмдан ажратиб турувчи кўкаламзор худуд.	Industrial facilities, warehouses, utilities and transport facilities in populated parts separating green zone.
Саноат худуди	Саноат корхоналари, уларнинг транспорт ва омбор хўжаликлари, ёрдамчи иншоотлар ва муассасалар билан банд бўлган худуд	Industry, transport and warehouse enterprises, support structures and institutions engaged in the region
Табиий ландшафт	асосий ландшафт компонентлари – ер юзи, ҳаво, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўзаро уйғун ва ўзаро боғлиқ бўлган бирликни ташкил этган худудий мажмуа, фазовий муҳит.	The main components of the landscape - earth, air, water, flora and fauna of mutual harmony and unity of the regional complex space environment.
Туманни режалаштириш	Иқтисодий ёки маъмурий туманни комплекс худудий-хўжалик тузилишини лойиҳалаш. Унинг халқ хўжалиги тармоқларини, аҳоли меҳнати ва дам олиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган тархий таркибни шакллантириш.	Economic or administrative districts and complex territorial and economic structure of the project. Its economic sectors, labor and the rest of the population created favorable conditions for the formation of historical content.
Кичик туман	Шаҳар аҳоли яшайдиган қисми тархий таркибининг бирламчи элементи. Унда аҳоли уй-жой ва кундалик хизмат кўрсатиш муассасаларига пиёда етиш	City residential part of the historical structure of the primary element. The population of housing and daily service institutions to provide foot.

	даражаси таъминланади.	
Турар-жой тумани	бир нечта кичик тумандан иборат аҳоли яшайдиган қисмининг асосий элементи.	A key part of a population consisting of several small districts.
Туманни режалаштириш	Иқтисодий ёки маъмурий туманни комплекс шаҳарсозлик-хўжалик тузилишини лойиҳалаш билан шуғулланувчи шаҳарсозликнинг тармоғи.	Economic or administrative districts and integrated urban and economic structure of the project dealing with the urban network.
Урбанизация	Шаҳар ҳаёт тарзининг барча аҳоли жойларига ёйилиши билан боғлиқ бўлган кўп қиррали, улкан ижтимоий-иқтисодий жараён. Жамият ривожланишида шаҳар аҳамиятининг ортиб бориши.	City life in all public places associated with the spread of multi-faceted, massive socio-economic process. The increasing importance of social development of the city.
Урбанизациянинг белгилари	Шаҳарларда индустриянинг ўсиши, уларнинг маданий ва сиёсий функцияларининг ривожланиши. Қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга оқиб келиши.	The growth of cities, industry, and the development of their cultural and political functions. The influx of rural population to the cities.
Сохта урбанизация	Шаҳар орбитасига қишлоқ мигрантларининг секин-аста тортилиши. Шаҳар атрофларида шаклланган кенг «қашшоқлик майдонларида» олдинги турмуш тарзининг узок сақланиши.	City orbit of rural migrants is slowly brought to justice. Poverty around the city squares, stored in a previous life.
Тисланувчи урбанизация	Шаҳар аҳолиси салмоғининг бироз камайиши. Шаҳар	The urban population share decline slightly. The urban population is essentially suburban

	аҳолисининг шаҳар атрофи ҳудудларга интилишида кузатилади.	areas.
Шаҳар бош тархи	Шаҳарнинг келажак меъморий-композицион, функционал-мақоний, транспорт-инженерлик ривожланишини белгилаб берувчи лойиҳавий ҳужжат	The composition of the future architecture of the city, a functional space, determines the development of transport and engineering project document
Шаҳар тизими	Ягона шаҳар яъни шаҳар ёки шаҳарлар гуруҳи сифатида функцияллашган ҳудудий-ҳажмий тизим	Single city or group of cities as funktsiyallashgan regional capacity
Шаҳарни ободонлаштириш	Шаҳарда соғлом ва қулай қаёт шароити яратишга қаратилган тадбирлар мажмуаси.	A package of measures aimed at creating a healthy and comfortable conditions of reverting.
Шаҳарнинг режавий тузилмаси	Унинг барча структуравий элементларини бирлаштирган ҳолда режавий-ҳудудларга ажратилиши.	It combines all the structural elements of the planning and allocation of areas.
Шаҳарнинг функционал ҳудудлари	Саноат, турар-жой, коммунал, транспорт ва бошқа функционал ҳудудларнинг жойлашиши ва ўзаро алоқаси	Industrial, housing, utilities, transportation and other functional interaction of the territory and
Шаҳарсозлик	Ижтимоий-иқтисодий, санитария-гигиеник, техник-қурилиш, транспорт ва архитектура-бадий масалаларни биргаликда ҳал қилувчи шаҳар ва аҳоли яшаш жойларини режалаштириш ва қуриш назарияси ва амалиёти	Socio-economic, sanitary-hygienic, technical, construction, transportation, architecture and art issues Together, a key city and the theory and practice of construction and planning of settlements.
Шаҳарсозлик	Ҳудудий мавқеидаги	The regional position of the

объекти	шаҳарсозликни лойиҳалаштиришнинг ҳар қандай ҳудудий-режавий объекти.	urban design of any object of regional planning.
Шаҳарсозлик талаблари	Объектлар қурилиши ва лойиҳаланишининг асосий меъёрлари ва қоидаларидир, шу билан бирга, ландшафт архитектураси ҳам қонунлар ва тавсиялар мажмуасини акс этади.	Construction and loyihalanishining the basic principles and rules, however, the landscape architecture is also reflected in the laws and recommendations.
Қизил чизиқ	Кўча, парк, майдон, магистрал билан қурилмалар ўрасидаги ажратиб турувчи, чегараловчи чизиқ.	The street, the park, the area between the main devices that limit the line that divides.
Қурилиш чизиғи	Қурилаётган ҳудуднинг чегарасини белгилайди	Define the boundaries of the construction site.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Махсус адабиётлар.

1. Д.У. Исамухамедова, Л.А. Адилова. «Шахарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси». I, II қисм. Тошкент, 2009 г, 2012 г. Дарслик.
2. Д.У. Исамухамедова, А.Т. Исмоилов, А.Т. Хотамов. «Инженерлик оводонлаштириш ва транспорт» Дарслик. Т. «Алоқачи». 2009 г.
3. Т.Ф. Кадырова «Пути архитектурного возрождения Узбекистана. Традиции и современность»
4. «Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений»
5. Г. М. Лаппо «География городов» (1997)
6. Вавакин Л.В., Белоусов В.Н. «Градостроительство в век информатизации»
7. Иконников А.В. «Пространство и форма в архитектуре и градостроительстве» 2006
8. Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства
9. Узбекистана. Ташкент 1988.
10. А.Гутнов. В.Глазычев. Мир архитектуры (Лицо города). М.
11. «Молодая гвардия» 1990.
12. Авдоткин Л.Н. и др. «Градостроительное проектирование» Учебник
13. для ВУЗа М., Стройиздат 1989.
14. ШНК 2.07.01 – 03
15. Перцик Е.Н. «Районная планировка (территориальное планирование)»: Учебное пособие для вузов 2006

Интернет сайтлар

16. <http://www.arhitekto.ru/txt/2razv16.shtml>
17. http://www.glazychev.ru/books/mir_architecture/glava_8/glava_08-01.htm
18. http://www.natlib.uz/rus/calendar_2006.pdf - Национальная библиотека Узбекистана
19. <http://www.archunion.com.ua/slovarik.shtml> - архитектурная энциклопедия